



## ИҚТИСОДИЁТНИ РАҶАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ЎРНИ

**Арипов Улугбек Баходир ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтисодиётни рагамлаштириши шароитида электрон тижоратни ўрни кенг ёртиб берилган. Шунингдек, менежментнинг ахборот таъминоти ва коммуникацияни ташкил этиши функциясини амалга ошириши раҷамили иқтисодиётда янгича мазмун ва қўшиумча вазифалар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, иқтисодий беқарорликнинг замонавий шароитида корхоналарнинг иқтисодий ўсиши натижаси бевосита илгор электрон тижорат боғлиқлиги илмий асосланган.

**Калим сўзлар:** электрон тижорат, ахборот-коммуникация, электрон тижорат воситалари, норматив-ҳуқуқий база.

Жаҳон иқтисодиётининг муҳим соҳалардан бири электрон тижорат бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Оммавий раҷамлаштириш, ижтимоий истисно ва ижтимоий медианинг доимий ўсиши электрон тижорат саноатига катализатор сифатида таъсир кўрсатди. 99 Firms нинг статистик маълумотларига кўра, 2020 йил учун электрон тижорат даромади бутун дунё бўйлаб 4,13 триллион доллардан ошди. Экспертлар 2021 йилни электрон тижорат бозорига кириш учун энг яхши вақт деб қайд этдилар. 2022 йилга келиб, глобал электрон чакана савдо бозорининг даромади 2019 йилдаги 3,53 триллион долларга нисбатан 6,54 триллион долларгacha ошиши мумкин.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2021 йил жами савдо айланмасининг 20,7 % ини электрон тижорат ташкил этган. Иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви ва халқаро савдонинг муттасил ўсиб бориши шароитида ички ва ташқи бозордаги юқори рақобатбардошликини таъминлаш учун электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш, бошқариш жараёнини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши савдо-тижорат фаолиятини ташкил этишининг замонавий усулларини яратиш имконини беряпти. АҚШнинг “Амазон” компанияси электрон савдо тизимини бутун дунёга ёйиб бўлди. 2021-йилнинг 4-чорагида унинг сотувлари ҳажми 137,4 млрд. долларни ташкил этди. Йиллик сотувлар 470 млрд., соф фойда эса 33,4 млрд. долларга етди.



Хитойнинг “Alibaba Group” интернет-тижорат гигантининг бир чораклик соф фойдаси 28,6 млрд. долларни ташкил этди.

Жаҳонда электрон тижоратни самарали ташкил этиш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада электрон хизматлар сифатини янада ошириш ва B2B, B2C, B2G, C2C каби бизнес платформаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро савдо хизматлари бозорида муросасиз рақобат кечеётган бир шароитда, янги бозор сегментларига кириб бориш ва фаолият натижавийлигини таъминлашда замонавий талаблардан келиб чиқиб, электрон тижоратни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиши тақозо этади.

Сўнгти ўн йилликда мамлакатимизда электрони тижорат ва унинг платформаларини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарори билан электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Ушбу соҳа зиммасига 2021 йилда 1,9 млрд.сўмлик савдо ҳажми тўғри келади.

2018-йилда электрон тижорат соҳасида савдо ҳажми 41 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2019-йилда бу кўрсаткич 275 миллиард сўмга етган бўлса, 2020-йил якунига кўра 1,1 триллион сўмдан ошди.

Бозорда рақобат ҳам кучаймоқда: 2019-йилда электрон тижорат субъектлари сони 150 тадан ошмади, 2020-йилда эса икки баравар (320 та) ва 2021-йилнинг биринчи ярмида уч баробар (475 та) кўпайди.

Аммо жаҳонда кибер хавфнинг кундан кунга ошиб бориши, яширин иқтисодиётнинг ҳамон мавжудлиги, электрон тижоратни бошқариш механизми, шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қўйилган талаблар микдор ва сифат жиҳатдан талаб даражасида эмаслиги ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, электрон тижоратни бошқариш механизмини такомиллаштириш зарурат келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясида “...хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, шунингдек, ахолига электрон хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш вазифалари белгилаб берилган”. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамизда электрон тижоратни бошқариш механизмини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Менежментнинг ахборот таъминоти ва коммуникацияни ташкил этиш функциясини амалга ошириш рақамли иқтисодиётда янгича мазмун ва қўшимча вазифаларни келтириб чиқаради. Уларни белгиланган талаблар даражасида бажариш электрон тижоратни бошқариш самарадорлигини оширади.

1. Электрон тижорат - электрон воситалар орқали савдо-сотик фаолиятини амалга ошириш ҳамда товар ва хизматларга талабни яратиш, савдо амалга



оширилгандан сўнг мижозларга қўшимчахизматлар кўрсатиш, ҳамкорлар орасида ўзаро ҳаракатларни енгиллаштиришдан иборат.

Электрон тижорат мижозлар, маҳсулот етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан веб тизими орқали алоқа ўрнатиш, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли хужжатларни электрон кўринишда айирбошлиш, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш, харид учун электрон тўловларни ҳар томонлама қулай амалга ошириш имконини беради. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни янада такомиллаштириш, корхона фаолиятини янада ривожлантириш ва иқтисодий самарага эришиш учун муҳим замин яратади.

Электрон тижорат - керакли ресурслар оқимини самарали бошқаришда, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишда, фаолиятларини олиб боришда вақтдан ютишда, мижозлар билан ишлашда информацион тўсиқларни бошқаришда энг асосий инструмент ҳисобланади. Электрон тижорат иқтисодий самарадорликни оширади, яъни электрон тижорат иштирокчиларининг фаолиятини тезкор ва анча тежаш имкониятини беради.

2. Ўзбекистонда электрон тижорат соҳасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Улар жумласига интернетдан фойдаланувчилар сони, интернет хизматлар тарифлари қиймати, интернет дўйонлар сони, электрон тижорат бўйича транзакциялар, электрон тижорат бўйича транзакциялар ҳажми, POS терминаллар орқали амалга оширилган умумий транзакциялар, пластик карталар сони, пластик карталар билан транзакциялар ҳажми, банкоматлар ва инфокиоскалар сони ва бошқа бир қатор омилларни келтириш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кобелев, О.А. Электронная коммерция /О.А. Кобелев ; под ред. С.В. Пирогова. – Москва : Издательскоторговая корпорация «Дашков и К°», 2018. – 14 с.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси материаллари
3. «Правда Востока» 27 августа 2021 года, №173 <https://mitc.uz/ru/news/2951>
4. <https://trends.rbc/ru>